ҚАДИМГИ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИШИ

Акмал Зиядиллаевич Исмайилов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мустақилликнинг илк йилларида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш сари юз тутган Ўзбекистон, энг аввало, фуқароларнинг ўз-ўзига, давлатига ишончини қайтариши, ҳокимиятдан, давлат ва жамоат ишларидан бегоналашувини бартараф этиши, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун шахсий ижтимоий масъулиятни ошириши лозим бўлди. Шуларни инобатга олиб, ушбу мақолада ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат ва давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисида айрим фикрлар берилади. Ундан ташқари мутафаккирларнинг, қолаверса бугунки кундаги дунё олимларининг республикамиз ҳудудида ҳуқуқий давлатчилик ғояларининг шаклланиши тўғрисида фикрларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: Давлат, давлатчилик, дунёвий давлат, цивилизация, фуқаролик, фуқаролик жамияти, ҳуқуқ, ҳуқуқий давлатчилик тўғрисидаги ғоялар, тараққиёт, виждон эркинлиги, ватанпарварлик.

IMPLEMENTATION OF THE IDEA OF LEGAL STATEHOOD IN THE TERRITORY OF ANCIENT UZBEKISTAN

Akmal Ziyadillaevich Ismayilov
Senior teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

In the first years of independence, Uzbekistan, which was striving to build a humane democratic state governed by the rule of law, first of all had to restore the confidence of citizens in themselves, the state, eliminate alienation from government, state and public affairs, increase personal social responsibility for their actions. With this in mind, this article provides some ideas on the origin of the state and statehood in the territory of the present-day Republic of Uzbekistan. In addition, we tried to analyze the views of thinkers, as well as scientists of today's world on the formation of the idea of the rule of law in the territory of our republic.

Keywords: State, statehood, secular state, civilization, citizenship, civil society, law, ideas of legal statehood, development, freedom of conscience, patriotism.

КИРИШ

Барчамизга маълумки, ҳар қандай давлат фуқаролари эътиқодига кўра диндорлар ва диндор бўлмаганлардан иборат бўлади. Бирор бир инсон (фуқаро)нинг диндор-мусулмон ёки иудаист, насроний ёки буддист, бефарқ ёки дахрий бўлганлиги учун айбдор эмасдир. Чунки унда гўдаклигидан бошлаб ижтимоий муҳит ва ундаги муносабатларнинг изи қолган бўлади. Шунинг учун ҳам, жумладан Ўзбекистон Республикасида, динга нисбатан виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатланган [1]. Аммо дин ниқоби остида кишилар ўртасида адоват қўзғатиш таъқиқланади. Демак, давлатимиз яъни Ўзбекистон Республикаси айни вақтда дунёвийдир. “Дунёвийлик” сўзи арабчадан “ҳаётий”, “ёруғлик”, “рўшнолик”, “бахт” маъноларини беради. Ҳақиқатдан ҳам диний камситиш, чеклашлар бўлган жойда ўзга диндагиларга нисбатан ҳақиқий, тўлақонли рўшнолик кўрсатилмайди. Шунинг учун ҳам Амир Темур энг оғир давларда кўп жойда, жумладан Европада жаҳолат, инквизиция ҳукм сурган даврларда ўзга диндаги диндорларга нисбатан ҳам ҳурматлаш сиёсатини олиб борган. Ушбу ҳақда “Қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим; сайидлари, уламолари, фузало ва мушойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим, ўша вилоятнинг улуғларини оға-инимларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек кўрдим” [2], деган эди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Дунёвийлик” сўзи қадимги мутаффакирлар томонидан ҳам айтилган бўлса-да, “дунёвий давлат” масаласи янги даврда Европада ҳуқуқларнинг илоҳийлиги ўрнига табиийлиги-табиий, ҳаётий ҳуқуқлар илгари сурилган даврда “жаҳолат”, “зулмат”, “адоват” ва “инквизиция”га нисбатан шаклланди. “Светский” сўзи рус тилидан “ёруғлик” ва “рўшнолик” маъноларини беради. У “невежество”, “темнота” сўзларига нисбатан ишлатилган. “Темнота” сўзи русчадан “қоронғулик”, “нодонлик”, “жаҳолат” ва “мавҳумлик" маъноларини беради.

Дунёвий давлат барча фуқароларнинг давлати экан, у маълум маънода демократикдир.Чунки унда барчанинг, кўпчиликнинг манфаатлари ифодаланади ва кафолатланади. Фуқаролар мамлакат аҳолисининг кўпчилигидир. Шунинг учун ҳам демократик, ҳуқуқий давлат дунёвийдир. Ҳуқуқий давлатчилик ва фуқаролик жамияти барпо этишда тенгликдан келиб чиқиш, унга таяниш ва уларни кафолатлаш биринчи ўринга чиқади. Дунёвий давлатчиликда эса динга нисбатан муносабат - виждон эркинлиги ҳуқуқи биринчи ўринга чиқади. Виждон

эркинлиги ҳуқуқи негизида эса тенглик ётади. Демак, виждон эркинлиги ҳуқуқи халқ ҳокимиятининг динга нисбатан муносабатининг кўриниши ҳисобланади. Дунёвий давлатчилик ҳуқуқий давлатчиликнинг бир томони ва характерли хусусиятидир. Агар ушбу тенгликнинг бир кўриниши - виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлашдан воз кечилса ёки бирон бир динга ёхуд даҳрийликка ортиқча имтиёзлар берилса, ундай давлат ҳуқуқий бўла олмайди. Чунки у бундай характерда фуқаролик жамиятини, яъни фуқароларнинг ҳуқуқларини тўла таъминлаш йўлидан бора олмайди.

Янги даврда даҳрийлик-атеизм кучайди. “Дин халқ учун афюндир” шиори остида динга нисбатан салбий муносабат жамиятни тубдан ўзгартириш билан боғланди. Коммунистик, жумладан атеизм мафкураси асосида ўрнатилган совет давлати атеистик-даҳрийлик давлати эди. Собиқ СССР Конституциясининг 52-моддасида “... атеистик пропаганда олиб бориш ҳуқуқи” кафолатланган эди. Унинг кучи билан кўплаб диндорлар, мадрасаларда таҳсил олганлар қатағон қилиндилар. Уларнинг объектив ҳолатдаги ҳуқуқлари тан олинмади. Динлардаги салбий томонлар билан биргаликда ижобий томонлар ҳам улоқтирилди. Холбуки, динлар кишилик тарихида кўплаб цивилизациялар-христиан, ислом ва буддавийлик мамлакатларини келтириб чиқариб улкан омилларга айланди.

Ҳозирги кунда ҳам ундаги ижобий, диний қадриятлар ёшларимизни иймонли қилиб тарбиялашда ўз вазифасини ўтамоқда. Демак, динда салбий томонлар ҳам, ижобий томонлар ҳам мавжуддир. Шунинг учун уни, бошқа ҳар қандай мафкуралар сингари давлат даражасига бус-бутунлигича чиқариб бўлмайди. Ёки аксинча, даҳрийлик қарашларини ҳам бус-бутунича давлат мафкурасига чиқариб бўлмайди. Ундай ҳолатда мафкуралардаги ижобий томонлар билан биргаликда салбий томонлари ҳам давлатлашиб кетади ва ўзининг салбий оқибатларини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам дунёвий давлатчиликда кўпчиликнинг, халқнинг, башариятнинг манфаатларини ифодалайдиган ижобий аҳамиятли қатор мафкуралардаги ғоялар, маданий қадриятлар қабул қилинади ва улардан давлат даражасида фойдаланилади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-модасида кафолатланган. Чунки шахслар ва халқ оммаси маданий қадриятларни турли йўллар - иқтисодий, техник, бадиий, диний ва бошқа фикрлашлар орқали яратиши мумкин. Демак, дунёвий давлат ҳаётий ижобий манфаатларни ифодалайди ва унга хизмат қилади. Шунинг учун хам бизнинг давлатимиз ҳуқуқий давлат сифатида динга икки томонлама муносабатда бўлади: диний қадриятларни эъзозлайди ва диний адоват, фанатизм ва экстремизмни қоралайди.

НАТИЖАЛАР

Илмий изланишларимиз натижасида шунга амин бўлдикки, Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасидаги конституциявий йўли ўзининг тарихий илдизларига эга экан. Лекин, Ўзбекистонда том маънодаги ҳуқуқий давлат тузуш ғояси мустақиллик шароитидагина юзага келди ва сиёсий реаллик касб этди десак янглишмаймиз. 1991 йил 31 августда Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши натижасида ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқди. Тинч, парламент йўли билан ушалган бу эзгу орзу “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги конституциявий Қонун билан мустаҳкамланди ва умумхалқ референдумида тасдиқланди.

Қонунда Ўзбекистон ССРнинг Мустақиллик Декларацияси ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у Республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир, деб эълон қилинди. Қонуннинг 2-моддасида халқ ҳокимияти ҳам бевосита, ҳам вакиллик органлари тизими орқали амалга оширилиши айтиб ўтилган. 3-моддада таъкидланишича, “Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий - давлат ва маъмурий-худудий тузулишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини мустақил белгилайди” [3].

Президентимиз “Мустақил тараққиёт йилларида, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, - Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда” [4]. Айниқса, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва фаол амалиётга тадбиқ этилаётган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг аниқ механизмлари белгилаб берилганлиги мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг янги босқичи сифатида эътироф этилмоқда. Улар қуйидаги йўналишлардан иборатдир:

- Биринчи йўналишда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида белгилаб берилади;
- Иккинчи йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан иборат;

- Учинчи йўналиш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини ўзида ифода этади;

- Тўртинчи йўналишда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган;

- Бешинчи йўналиш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор вазифалар билан боғлиқ бўлиб, бунда дунё қалқиб турган, турли минтақаларда уруш давом этаётган, қон тўкилаётган бир шароитда миллий хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор бериш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган [5].

МУҲОКАМА

Бугунги кунда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ғояси Ўзбекистонда ана шу стратегиялар асосида изчил ва оғишмай амалга ошириб келинмоқда. Буларнинг ҳаммаси ривожланган, маданий жиҳатдан етук адолатли фуқаролик тузумининг таркибини ташкил этади, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг, қаттиқ интизомнинг, ички уюшқоқлик ва масъулиятнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, давлатнинг асоси, умумэътироф этилган нормалари Конституция моддаларининг аниқ ва лўнда таърифларида ўз аксини топди. Асосий Қонун ўзининг бутун мазмуни билан демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлларини очиб берди. Унда инсон ҳуқуқлари озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуи ўз ифодасини топган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мустақилликнинг илк йилларида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш сари юз тутган Ўзбекистон, энг аввало, фуқароларнинг ўз-ўзига, давлатига ишончини қайтариши, ҳокимиятдан, давлат ва жамоат ишларидан бегоналашувини бартараф этиши, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун шахсий ижтимоий масъулиятни ошириши лозим бўлди[6]. Бунинг учун шахсни тамомила озодликка чиқариш, эрк ва ҳуқуқларини ҳуқуқий демократик жиҳатдан таъминлаш шарт эди. Шахс руҳиятидаги ишончсизлик, кўркув ва хавфсирашни, ижтимоий руҳиятда ўтмишдан мерос иллат ва қолоқликни бартараф этиш лозим эди. Одамларнинг давлатга, унинг инсонпарвар демократик сиёсатига ишончини тўла-тўкис тиклаш маънавий-ахлоқий зарурият эди.

Барчамизга маълумки, ҳар қандай мамлакатда ҳуқуқий давлатни барпо қилиш мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. Бунда халқаро

тажрибалардан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Тарихдан маълумки жаҳондаги кўпгина ривожланган давлатларда бу жараён узоқ давом этган. Ҳуқуқий давлат барпо қилиш Англияда 1689 йилда Ҳуқуқ ҳақидаги Билл қабул қилиниши билан, АҚШда 1776 йилда Мустақиллик декларациясидан, Францияда 1789 йилда инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинишидан бошланган бўлиб, XX асрнинг ўрталарида тугалланган[7].

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатни барпо этишда қуйидаги халқаро тажрибалар:

- Англия, АҚШ, Олмония, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатлардан ҳуқуқий давлат тажрибасини;

- бу давлатларда ва жамиятни бошқарувида қонуннинг устуворлигини таъминлашни;

- барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни;

- давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг халқ олдида ҳисоб беришини;

- ҳокимиятни бўлиниш принципи асосида, айниқса, суд ҳокимиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш тажрибаларини;

- қонунларни ишлаб чиқиш ва ҳаётда қўллаш тажрибаларини;

- аҳолини ҳуқуқий билимли қилиш ва ҳуқуқий маданиятини амалга ошириш йўлларини, халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи бўлиб, давлат ҳокимияти халқ манфаатларини ҳимоя қилинишини;

- фуқаролик жамиятини ривожлантириш;

- суд ҳокимиятининг ролини ошириш;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бирлиги;

- давлат ва шахснинг бир-бири олдида масъуллигини ўрганиш керак.

Биз демократик ҳуқуқий давлат, яъни ҳақиқий эркин фуқаролар жамияти қуришимиз учун юқоридаги умумбашарият давлат қурилиши тажрибасидан ташқари, ўзимизнинг шарқ давлат қурилиши тажрибаларидан ҳам кенг фойдаланишимиз керак[8]. Миллий давлатчилик негизларини белгилаш, адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини бирлаштириши керак. Давлатчилигимизнинг адолат ва ҳақиқат ғояси, қонунчиликка асосланиши керак. Фуқароларнинг меҳнат қилиши, уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларнинг ҳаммаси ана шу негизга асосланиши керак.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва жамиятни демократлашнинг муҳим шартларидан бири одамларнинг тафаккури ва иқтисодий савияси билан демократик ўзгариш ва миллий хусусиятларнинг бир-бирига мос бўлишлигидир.

Буни биз кейинги вақтда маҳаллаларнинг ишини ривожлантиришда кўрамиз. Узоқ йиллар мобайнида маҳаллаларда кўпгина ҳаётий масалалар - тўй-маъракалар, ҳашарлар ўтказилиб, маҳаллаларда сиёсий иқтисодий ва бошқа кўпгина ишлар ҳал қилиниб жамоатчилик фикри шаклланиб келди [9]. Ҳуқуқий давлат қуриш учун Ўзбекистонда кўпгина ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳаллалар жамият учун асосий таянч бўлгани туфайли уларнинг роли ошмоқда.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтириш ва шакллантириш жараёнларининг қисқача таҳлили ҳуқуқий давлат назарияси ҳамда амалиёти учун муштарак бўлган қуйидаги хулоса - умумлашмаларига асос бўлди:

1. Ҳуқуқий давлат демократик цивилизациянинг таркибий моҳиятини белгиловчи умумбашарий қадрият бўлиб, у давлатнинг демократик инсонпарварлик тамойилларини тиклаш ва янада ривожлантиришга хизмат қилади. Айни чоғда, ҳуқуқий давлат, шахснинг эркинлигини таъминлаш, уларни конституциявий ҳимоя этиш қуроли, бюрократизм, маҳаллийчиликка, маҳкамачиликка қарши кураш воситаси, қонун асосида шаклланувчи чинакам халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш усулидир.

2. Жамиятни демократик ривожлантирмасдан туриб, унда яшовчи кишиларнинг чинакам эркинлигига, ижтимоий адолатга эришиб бўлмайди. Шу боис давлат мустақиллигига эришган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бориши унинг демократик тараққиёт йўлида эканлигидан дарак берди.

3. Давлатнинг ҳуқуқий тизимига яхлитлик, ягона маслак, ягона йўналиш бахш этувчи Конституция ривожланган, маданий-маърифий жиҳатдан етук тузумнинг бор салоҳияти ва имкониятларини намоён этувчи ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ривожлантириш учун юридик асос бўлиб хизмат қилади.

4. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш ва шакллантириш узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. У эски мустабид тоталитар - бюрократик, маъмурий - буйруқбозлик тизимини бартараф этиш юзасидан янги сиёсий раҳбариятнинг изчил вас обитқадам саъй-ҳаракат қилишини талаб этади.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш - дунёвий давлатчилик тараққиёти тамаддунининг объектив тенденцияси [10]. Ўзбекистон ўз конституциявий ривожида ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун шарт-шароит яратиш вазифасини демократия ва бозор муносабатлари

устунликларидан маърифий фойдаланган, уларни ижтимоий адолат ҳамда қадриятлар устуворлиги тамойиллари билан вобаста ҳолда ҳал этмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда демократик давлат барпо этишнинг конституциявий ҳуқуқий асосидан ташқари тарихий-назарий илдизлари мавжуд. Фуқароларнинг тенг суверенитети мужассамлигидан иборат суверен давлатгина ҳуқуқий давлат бўла олади. Бундай давлатни барпо этиш ижтимоий ҳаёт соҳаларида ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, давлатнинг ўзи ва органларнинг қонун билан бевосита алоқадорлиги, шахс ҳуқуқи кафолатланганлиги, давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги, қонунлар, меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар амали устидан қатъий назоратга боғлиқ [11]. Ўзбекистонда бу талаблар Конституция ва қонун асосида мавжуд. Айни пайтда, Ўзбекистон ҳуқуқий давлат сифатида, биринчидан, ўз конституциявий функцияларини бажариш учун ҳуқуқ ва қонун ҳужжатларига асосланмоқда. Давлатимиз, унинг раҳбар амалдорлари ва органлари ҳуқуқ билан узвий боғланган бўлиб, давлат ҳокимиятини қонунлар негизида амалга оширилмоқда. Иккинчидан, жамият ва давлатда муносабатларнинг конституциявий яхлит бир бутун тизими ҳуқуқий асосда яратилади, ва яратилмоқда [12]. Натижада Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги аломатлари мавжудлиги реал ҳақиқатга айланганлиги ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин:

– ҳокимиятларнинг бўлиниши конституциявий принципи қатъий амал қилмоқда;

– “кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” сиёсий қурилиш дастури негизида адолатли фуқаролик жамияти шаклланмоқда;

– муайян бўғин ёхуд тузилмада ҳуқуқли ваколатларнинг тўпланиб қолишига тўсқинлик қилувчи якка ҳокимлик ва унинг мономафкурасига қарши демократик механизмлар яратилди;

– Конституция ва қонуннинг устунлиги, бевосита тўғридан-тўғри амал қилишига эришилмоқда;

– давлат ҳокимияти суверенлиги Конституция ва қонунда белгиланиб, ҳаётга оғишмай жорий этилмоқда;

– сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи меъёрлари асосида қонун чиқарувчи икки палатали парламент шакллантирилди, қонунчилик иродасининг шаклланиши ва ифодаланиши устидан қатъий назорат йўлга қўйилди;

– ички қонунчилигимиз халқаро меъёр ва тамойилларга уйғунлаштирилмоқда;

– ижтимоий муомала барча субъектларининг кимларнингдир ўзбошимча қарорларидан ҳуқуқий ҳимояси таъминланмоқда;

– ҳуқуқий демократик давлатчиликни таъминлаш андозаси ва воситаси сифатида суд ҳокимиятининг мустақиллиги ислоҳий тўла таъминланиб берилмоқда; [13].

– ҳуқуқнинг устуворлиги тамойили негизида қонунларнинг ҳуқуқийлиги, яъни ҳуқуққа мослиги давлат ҳокимияти тизимининг ҳуқуқий ташкил этилишини таъминлаш тажрибасининг самарадорлиги;

– фуқаролар ҳуқуқ ҳамда бурч, мажбуриятларининг узвийлиги;

– давлат ва шахснинг бир-бири билан ўзаро масъуллиги;

– ҳуқуқий ижодкорликда тор меъёрликдан, расмий догматикликдан воз кечишга, мундарижа мазмунини умуммиллий манфаатларга тўлиқ сафарбар этишга интилаётганлиги ва бошқалар. [14].

Айни пайтда, ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг моддий-маънавий, юксак сиёсий-ҳуқуқий маданияти, халқ иродасини изҳор этишнинг демократик шаклларини фавқулотда фаоллаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократик эркинлаштириш билан боғлиқ асос -заминлари босқичма-босқич тадрижан таъминланаётганлиги уч минг йилдан ортиқ миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор бошқарувнинг Президентлик институти ташкил этилганлиги, мустақиллик тўғрисидаги баёнот, суверен Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни Конституция қабул қилингани, фуқароларни қонун чиқарувчилардан ҳимоя қила олиш механизмининг яратилгани миллий демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш кафолати бўлмоқда.

REFERENCES

1. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1998 йил 1 май. parliament.gov.uz/uz/laws/adopted/95/3387/
2. Ахмедов Б. Амир Темур ўгитлари. Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 15-бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилинган қонун ва қарорлар (тўплам). Ўн иккинчи чақириқ олтинчи сессия. – Т.: “Адолат”, 1992. 7-10 – бетлар.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 6.12.2016.

5. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. https://lex.uz/docs/3107036
6. Исмайилов, А. З., Исмайилова, Н. З. (2020). Давлатчилик шаклланишида ҳуқуқий онгнинг амал қилиши: корреляцион-функционал таҳлил. Academic Researchin Educational Sciences, 1(2), 416-424.
7. Nazirov, H. H., Ismayilov, A. Z., &Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. *Евразийский союз ученых, 6*(75), 64-65.
8. Ziyadillaevich, I.A., & Bobonazarovich, G.K. (2020). THE ORIGIN OF THE STATE AND THE IMPLEMENTATION OF LEGAL STATEHOOD IDEAS ON THE TERRITORY OF UZBEKISTAN. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research, 6(10), 520-524.
9. Холмўминов Ғ. October 2020 Таълим тизимида методлар ва инноватцион технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги. "Science and Education" Scientific Journal . 472-475 – бетлар.
10. Hojiyev R.B., Xolmo`minov G.B., Sharipov M.L. (2020) Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in uzbekistan. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 5, Part II ISSN 2056-5852.